

UZBEKISTON
SAMIYAT
KUTUBXONA

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2001 йил 29 сентябрь, шанба

• №77 (11.362) •

Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум, мухтарам устозлар!

Кадрли дўстлар!

Авваламбор, шарафли ва олижаноб касб эгаси бўлган сиз, азизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўқитувчи деганда, ҳар қайси инсон биринчи галда мухтарам муаллимларини, кадрдон мактабини, дунёни таниш, ўқиш-ўрганиш завқи билан ўтган беғубор болалик йилларини эслайди, ўз устозларини эҳтиром ва миннатдорлик билан ёдга олади.

Чунки ўқитувчи зоти машаққатли меҳнати, ҳаётий тажрибаси, бекиёс меҳри билан ёш авлодга фақат илм-фан сирларини ўргатиб қолмай, унинг юрагида Ватанга муҳаббат, аждодлар руҳига ҳурмат, эл-юртга садоқат каби юксак туйғуларни камол топтиришда ибрат ва намуна бўлади.

Ана шундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олиб, фидо-корона меҳнат қилиб келаётган сиз, устоз-мураббийларни келажакимизнинг чинакам бунёдкорлари, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бугун биз билимдон, иродаси бақувват, иймони мустаҳкам, ёшлик шижоати ва истеъдоди билан Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган ўғил-қизларимиз тимсолида сизларнинг эзгу меҳнатингиз самарасини кўрамыз.

Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этиш, миллий истиқлол ғоясини

фарзандларимиз қалби ва онгига сингдириш, уларни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан сақлаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш бора-сида олиб бораётган ишларингиз таҳсинга сазовордир.

Ҳурматли устоз ва мураббийлар!

Биз бугун барчангизга дилимиздаги энг қутлуг тилакларимизни изҳор этар эканмиз, ўзимизнинг шогирдлик бурчимизни, сизларга бўлган ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини янада теранроқ англаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни алоҳида таъкидламоқчиман: келажакимиз эгаси, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчилари бўлган навқирон авлодга билим ва тарбия беришдек олижаноб ҳамда мураккаб вазифани адо этишингизда давлатимиз, жамиятимиз сиз, азизларга доимо мададкор бўлади.

Чунки, биз кўзлаган мақсадларимизга етиш, эртанги фаровон ҳаётимизни қуриш йўлида сизларга, сизлар таълим бераётган фарзандларимизнинг тафаккури, куч-гайрати, гўзал инсоний фазилатларига суянамыз.

Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор қутлар эканман, сизларга сихат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, ёшларнинг онгига эзгулик нурини сочишдек хайрли ишларингизда янгидан-янги ютуқлар тилайман.

Қалбингиздаги маърифат чароғи ҳеч қачон сўнамасин, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни



МУАЛЛИМА

Бу сўзга ҳеч ким сира ҳам эътироз билдирмайди. Чунки, ўқитувчи дил бермаса ҳам тил беради, ўқувчисига оқ йўл тилайди. Меҳридан, билим зиёсидан унинг келажакига поёндоз тўшайди. Янгийўл туманидаги 50-мактабнинг бошланғич синф муаллима-си Коммунахон Ҳасанова таълим олаётган 612 нафар ўғил-қиз ораси-

да самимий иззат-ҳурмат қозонган. «Муаллима – иккинчи она» кўрик-танловининг ғолибаси бўлган бу фидойи муаллима 9 йилдирки, кичкинтойларга сабоқ бериб келади.

СУРАТДА: Коммунахон Ҳасанова машгулотларга тайёрланмоқда.

Нўмон МУҲАММАДЖОНОВ
олган сурат.

БАЛЛИ, АЗАМАТЛАР!

Шу кунларда республика-миз далаларида халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган пахта қизилни йиғиб-териб олиш қизгин бормоқда. Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотга назар ташласак, Тошкент вилоятида терим суръати ўтган йилги мавсумнинг шу дамларига нисбатан икки баравар тез бораётгани, қарийб

икки ярим баровар пахта тайёрланганлигини кўрамыз.

Энг қувончлиси, туманларимиздаги бир қатор хўжаликлар илк бор ҳар қачонгидан ҳам барвақт, юятда қисқа муддатда – сентябрь ойидаёқ давлат буюртма режасини бажариб, барчага ибрат ва ўрнак бўлдилар.

Бу ғалабалар ўз-ўзидан кел-

ган муваффақият эмас. Унинг тагида хўжаликлар жамоалари, раҳбарларининг катта ва заҳматли меҳнати ётибди. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириб бориш, пахтачиликда янгиликларни қўллаш, изланиш, ер, сув, техника, ўғитдан самарали фойдаланиш, ҳақиқий ер соҳибларини шакллантириш, ишбилармонлик,

тадбиркорлик билан уюшқоқликни таъминлаш, эл ишончини қозониш, ўз артидан эргаштира олиш фазилатларига эга бўлган раҳбаргина бундай ютуқларни таъминлай олади.

Биз бугун маррага барвақт етган жамоаларни чин дилдан қутлаймиз. Балли, сизга, азамат деҳқонлар, ишбошилар, раислар, деймиз!

ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ШАРТНОМА РЕЖАСИНИ БАЖАРГАН ХЎЖАЛИКЛАР

Хўжаликларнинг номи	хўжалик раҳбари	режаси (тонна)	амалда (тонна)	бажарган кун
Чиноз тумани				
Амир Темур номи	Мирзаахмад Рахмонов	900	1020,3	11 сентябрь
Т. Эрназаров номи	Кенбой Кўкқўзов	670	866,7	14 сентябрь
С. Раҳимов номи	Абдужаббор Тошматов	1205	1281,5	18 сентябрь
«Эшонабод»	Одилхон Исахонов	865	1064,8	19 сентябрь
Т. Охунова номи	Мўминжон Жалилов	885	929,9	23 сентябрь
«Дўстлик»	Турғунбой Ботиров	1104	1165,6	25 сентябрь
«Гулзоробод»	Махмуджон Мансуров	1122	1177,3	25 сентябрь
Навоий номи	Алишер Акромов	1120	1161,4	26 сентябрь
Юқоричирчик тумани				
Жамбул номи	Динислом Канаев	240	264	21 сентябрь
Охунбобоев номи	Усмонали Усмоналиев	166	172	25 сентябрь
«Гулистон»	Комилжон Салимов	3477	3500	28 сентябрь

Хўжаликларнинг номи	хўжалик раҳбари	режаси (тонна)	амалда (тонна)	бажарган кун
«Саксонота»				
	Ауэлбек Аҳмедов	740	745	28 сентябрь
Пискент тумани				
«Қирққизобод»	Бахтиёр Нуров		1176	27 сентябрь
А. Дўстбеков номи	Ҳазрат Нуров	3640	3682	28 сентябрь
Оққўрғон тумани				
«Ўзбекистон»	Эргаш Ниёзов	2190	2315	25 сентябрь
Ўртачирчик тумани				
Охунбобоев номи	Курбонали Жўраев	2660	3040	25 сентябрь
«Қорасув»	Тожимамат Худойкулов	2366	2550	28 сентябрь
Бўка тумани				
«Бўстон»	Сирож Валиев	1500	1576,4	23 сентябрь
С. Саймоқов номи	Саидаҳад Саймоқов	1053	1147,4	26 сентябрь

ТҮРТДАН БИРИ МАШИНАДА

Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» ширкат хўжалиги давлатга пахта сотиш режасини бажарди. Шу кунгача қабул пунктларига режадаги 2366 тонна ўрнига 2550 тоннадан зиёд хом ашё етказиб берилди.

Режани барвақт уддалашда «Кейс» машиналаридан самарали фойдаланилганлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Жами ҳосилнинг тўртдан бир қисми, яъни 600 тоннага яқини бункерлардан тўқилди.

Хўжаликнинг 312 нафар оилавий пудратчиси ҳосилдорликни 31 центнерга етказиш учун теримни давом эттирмоқда.

ДАЛА ШИЙПОНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Куйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» тажриба хўжалигининг дала шийпони одатдагидан гавжум бўлди. Бу ерда пахта далаларида меҳнат қилаётган вилоят педагогика коллежи талабалари, жамоа хўжалиги аъзолари жам бўлишди. «Экосан» халқаро жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов ҳашарчилар олдида сўзга чиқиб, жамғарманинг фаолияти ҳақида сўзлади, илғор теримчиларга қимматбаҳо совғаларни топширди. Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти, хушовоз хонанда Бобомурод Ҳамдамов ўзининг янги кўшиқларини ижро этди. Бу каби учрашувлар туманнинг бошқа жамоа хўжаликларида ҳам бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Фотима ЗОКИРОВА.



«ҚОВУНЧИ» СУРЪАТИ

Ҳамма ерда бўлганидек, Янгийўл туманидаги «Қовунчи» ширкат хўжалигида ҳам оилавий пудратчилар пахта ҳосили тақдирини ҳал этувчи асосий кучга айланди. Бу йил 206 нафар пудратчи 570 гектар майдонда мўл ва эртаки ҳосил етиштирди. Натижада хўжалик давлатга пахта сотиш режасини сентябрь ойидаёқ биринчи бўлиб бажариш арасида турибди. Далалардан 1560 тонна сифатли хом ашё йиғиштириб олинди. Унинг 80 фоизи биринчи навга сотилади.

Оилавий пудратчилардан Тошбуви Алиева ҳамда Гулчеҳра Абдуллаева ҳозирнинг ўзидаёқ 32-33 центнердан ҳосил олдилар.

– Ҳосилдорликни 30 центнердан, умумий хирмонни эса 1700 тоннадан ошириш имкониятига эгамиз, – дейди



хўжалик бошқаруви раиси Эргаш Музаффаров. – Вазиятдан келиб чиқиб, қўл теримига зўр бермоқдамиз. Шоира Султонова, Сафаргул Раҳматиллаева, Маҳмуд Умаров, Ўрозгул Абдусатторова сингари илғор теримчиларимиз кунига хирмонга 150 килограмдан ошириб пахта териб тўқмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: (тепада) хўжаликнинг илғор бош пудратчиси Абдумутал Аноров кўпминг килограммичи теримчи Гулжаҳон Аҳмедова билан суҳбатда; (пастда) Пскент туманидаги Аҳмад Дусбеков номи хўжаликнинг илғор механизатори Муҳаммад Тиликов.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

III сонга

«ГУЛИСТОН» ВА «САКСОН-ОТА» ҲАМ МАРРАДА

«Гулистон» ширкат хўжалиги пахтакорлари Юқоричирчиқ туманида биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажардилар.

Йирик хўжалик ижарачи-деҳқонлари давлатга 3500 тоннадан зиёд пахта сотдилар.

Гулистонликлар имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга яна 500 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилдилар.

Тумандаги «Саксон-ота» ширкат хўжалиги пахтакорлари ҳам йиллик режани муваффақиятли адо этдилар. Давлат буюртмаси 24 иш кунига уддаланди. Саксоноталиклар 740 тонна «оқ олтин» йиғиб-териш олдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 26 центнерни ташкил этди.

Саидмахмуд
АБДУЛЛАЕВ.

Вилоятда пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 2001 йил 28 сентябргача бўлган **МАЪЛУМОТ**

(Биринчи устун – туманлар, иккинчи устун – бир кунда, учинчи устун – мавсум бошидан буён (фоиз ҳисобида))

Чиноз	2,62	90,53
Юқоричирчиқ	3,70	81,01
Ўртачирчиқ	2,95	79,98
Пскент	3,60	79,52
Бўка	2,51	79,17
Янгийўл	2,35	78,30
Оққўрғон	2,88	76,64
Бекобод	3,28	69,33
Куйичирчиқ	3,45	66,00
Вилоят бўйича	3,03	76,61

ИЖОДИЙ ГУРУҲ САФАРДА

Бу йилги йиғим-терим мавсумида пахтакорлар ва ҳашарчиларга маданий хизматни юқори савияда ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан вилоят тарғибот ва ташвиқот гуруҳи ташкил этилгани ҳақида хабар берган эдик.

Айни кунларда Маданият ишлари, Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимларининг ҳамкорлигидаги гуруҳ аъзолари илғор хўжаликлар, бригадалар ва пудратчилар ҳузурида маданий-маърифий чиқишларини давом эттирмоқдалар.

Бекобод туманининг «Дўстлик» ширкат хўжалиги далаларида тарғибот ва ташвиқот гуруҳининг учрашувлари бўлиб ўтди.

Шу кунги ширкат хўжалиги пахтакорлари ва Бекобод педагогика билим юртининг 150 кишилик талабалари Юсуфжон Гойипов бошчилигидаги «Зарафшон» фольклор-этнографик дастаси хонандалари ва раққосалари ижросидаги кўшиқ ва рақсларни мириқиб тинглаб, томоша қилдилар.

– Бундай учрашувлар ҳамиша биз пахтакорларга катта маънавий озуқа беради, қилаётган ишимизнинг сифатини оширишга ёрдам беради, деб ўйлайман, – дейди «Дўстлик» ширкат

хўжалиги бошқаруви раиси Қулбек Бойзоқов. – «Соғлом авлод учун» жамғармасининг моддий ёрдамлари, «Зарафшон» дастасининг хонандалари ва раққосалари ижро этган концерт дастури пахтакорларимизни, ҳашарчи қизларимизни мамнун этиб, янада руҳлантирди.

Шу ўринда М. Турғунбоева номидаги республика «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасига қарашли хизмат кўрсатган «Баҳор», «Лазги», «Етти гўзал» дасталари ҳам вилоятимизнинг Бўка, Пскент, Ўртачирчиқ туманларида бўлиб, ўз санъатларини илғор пахтакор ва ҳашарчилар ҳузурида намойиш этганликларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Вилоят ҳокимлиги Маданият ишлари бошқармаси бундай тадбирларни янада сермазмун ва самарали қилиш учун катта саъй-ҳаркат кўрсатмоқда. Ижодий гуруҳларнинг вилоят бўйлаб сафари давом этмоқда.

Шавкат ҚУЛИБОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус муҳбири.

9 МИНГ АНГРЕНЛИК ҲАШАРДА

Ангрен ва Ўртачирчиқ меҳнаткашларининг ҳар соҳадаги алоқалари анъанавий тус олган. Ангренликлар туман деҳқонларига пахта йиғим-терими бошланиши билан оммавий равишда ёрдамга отланадилар.

Бу йил ҳам қўл теримига киришилиши билан ангрениклар ёрдамга отланишди. Улар тумандаги барча хўжаликларда пахтакорлар ёнида туриб ишлашяпти. Бу йил ҳашарчилар сафиди 9 минг кишининг бўлиши назарда тутиляпти. Улар ҳозиргача хирмонга минглаб тонна «оқ олтин» тўқдилар. Вилоят педагогика институти талабалари теримда олдинда бораётдилар.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ПАХТАНИ ЁНГИНДАН АСРАЙЛИК

Пахта етиштириш қанчалик муҳим бўлса, уни турли табиий офатлардан, жумладан, ёнгиндан сақлаш ҳам шунчалик муҳимдир. Айрим кишиларнинг лоқайдлиги, вазифасига масъулиятсизлиги туфайли ёнгин чиқиши ва оқибатда қанчадан-қанча меҳнат қилиб етиштирилган халқ бойлиги кулга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун Тошкент вилояти ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари пахта ҳосилини териб олиш, ташвиш, сақлаш ва қайта ишлаш мавсумини талофотсиз ўтказиш учун ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини эслатади.

Пахта териш машинаси, трактор ҳайдовчилари, уларнинг ёрдамчилари ва йиғим-теримга жалб қилинган бошқа масъул ходимлар махсус ёнгинга қарши йўриқномани ўқишлари шарт. Ушбу йўриқномадан ўтмаган ходимларнинг йиғим-терим ишларида қатнашиши ман этилади.

Йиғим-теримда ишлатилган терим машиналари, тракторлар ва бошқа транспорт воситалари учкун ушлаш ва бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан жиҳозланиши лозим. Мой, ёқилғи томадиган, электр ускуналари носоз ва учкун ўчиргичсиз бўлган машиналардан фойдаланиш таъқиқланади. Пахта ортилган трактор тележкалар усти брезент билан ёпилган бўлиши керак.

Пахта териш машиналарида иш пайтида, пахта ташиётган машина, тракторларда, пахта далаларида, хом ашё сақланган жойларда чекиш ва очик оловдан фойдаланиш, бункер-

лари ҳосил билан тўлдирилган пахта териш машиналарига ёқилғи куйиш ва уларни далаларда қолдириш мумкин эмас.

Теримчиларнинг вақтинчалик турар жойларида электр симларидан фойдаланиш, кийим-кечак ва бошқа буюмларни электр симларга ёйиш, чекиш, овқат тайёрлаш ва хоналарни иситиш учун электр асбобларидан фойдаланиш, тез ёнувчан суюқликлар билан печларни ёқиш ман этилади.

Ёнгининг олдини олиш пахта тераётганларнинг ҳам, хом ашёни қайта ишлайдиганларнинг ҳам, хирмонда, тайёрлов пунктида ишлаётганларнинг ҳам муқаддас бурчидир.

Фахриддин
АБДУМАВЛОНОВ,
Тошкент вилояти ИИБ
ЎХБ муҳандиси.

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 сентябрдаги «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни – умумхалқ байрами мунасабати билан мамлакатимизнинг таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ бир қатар устоз ва мураббийлар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилаятимиздан қуйидагилар бор:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Хайдарова Умия Камолловна – Бекобод туманидаги 31-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Файзуллаев Фотихжон – Тошкент туманидаги 1-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Карпишина Оксана Васильевна – Оҳангарон шаҳридаги 4-мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари

Ниязов Гульмурод Боймуродович – Тошкент вилояти давлат педагогика институти «Бошланғич синфларда педагогика ва психология» кафедраси мудири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Якшибаева Дяра Сергеевна – Бекобод шаҳар 2-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия резерви спорт мактаби йўриқчи-услубчиси

«Эл-юрт хурмати» ордени билан

Усмонов Нишонбой Юлдошевич – Ўртачирчиқ туманидаги 4-мактабнинг директори

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Мансуров Тойирхон Темирович – Чиноз туманидаги 40-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

Курнишова Елена Михайловна – Ангрен шаҳридаги 37-болалар боғчасининг тарбиячиси

Самадова Фотима Миржамоловна – Пскент туманидаги 12-ясил-боғча тарбиячиси

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Темиров Даврон – Бўка туманидаги 7-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

Худойбердиева Зулфия Хўжаевна – Олмалиқ шаҳридаги 22-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

«Дўстлик» ордени билан

Калменов Жуман – Куйичирчиқ туманидаги 18-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Кузнецов Анатолий Юрьевич – Чирчиқ шаҳридаги 24-мактабнинг тасвирий санъат, чизмачилик ва меҳнат ўқитувчиси

«Шухрат» медали билан

Биктагирова Гулшод Фотиховна – Зангиота туманидаги 5-мактабнинг математика ўқитувчиси

Жуманова Дилором – Янгийўл туманидаги 8-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Исманхужаева Ражаби Олихужаевна – Юқоричирчиқ туманидаги 15-мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик ўқитувчиси

Мирзакаланова Махпират Мирзараимовна – Янгийўл шаҳридаги 16-мактабнинг математика ўқитувчиси

Муталипов Абдулазиз Абдурахимович – Бўстонлиқ туманидаги 40-мактабнинг мусика ўқитувчиси

Сайфилова Шарифа – Оққўрғон туманидаги 28-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Шоабсарова Мамлакат – Паркент туманидаги 11-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Эшонкулова Зоя Эрман кизи – Оҳангарон туманидаги 10-мактабнинг математика ўқитувчиси

ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТГАН ДАРГОҲ

Ўртачирчиқ туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатда химия-биология, физика-математика, ўзбек тили ва тарихи йўналиши бўйича таълим берилади. Янги ўқув йилидан башлаб эса, математика ва инглиз тили йўналиши ачирилиб, бу синфга 28 нафар ўқувчи қабул қилинди.

– Ўқувчиларнинг истагини инобатга олдиқ, – деди мактаб-интернат директори Марям Умаркулова. – Бу ерга илгари ташна, келажакда олий ўқув юртларида ўқишни дилига тугиб қўйган ёшлар келади. Шу боис уларни бўлажак синовларга ҳар томонлама пухта тайёрлаймиз.

Мактаб-интернат 1992 йилда ташкил топган. Ўтган давр мобайнида уни битирган 400 нафардан зиёд йигит-қиз олий ўқув масканларига киришга муваффақ бўлди. Бу бизда таълим олган жами ўқувчиларнинг тўқсон фоиздан ортиғи тест синовларида юқори натижаларга эришди, деганидир.

Директорнинг таъкидлашича, бундай ютуққа ўқитувчиларнинг меҳнати, маҳорати, касбга садоқати туфайли эришилган.

Мактаб инсонга бир умр ардоқлаб, эслаб юришга арзийдиган хотираларни бера олиш қудратига эга даргоҳдир. Инсонга

бундай бебаҳо инъомни мураббий беради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда сидқиқидан меҳнат қилаётган бир гуруҳ мураббийлар ҳукуматимизнинг юксак унвонлари ва мукофотлари билан тақдирланганлиги ўқитувчиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганлигидан далolatдир. Жумладан, мазкур жамоада меҳнат қилаётган Турсунбой Эгамбердиев «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» унвонига, Акбар Қаландаров биринчи даражали «Соғлом авлод» ордени, Ойдиной Охунжонова, Шароф Усмонов, Искра Ким, Ўткир Ғофуров «Халқ таълими аълочиси» деган юксак номга сазовор бўлишди.

– Шогирдларимиздан умидимиз катта. Келажакда улар орасидан олимлару, элга машҳур кишилар етишиб чиқишига ишонаман, – деди сўзининг якунида М. Умаркулова.

«Туркистон-пресс».

ЭНГ ЯХШИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Устоз мураббийларнинг байрами арафасида вилоят ҳокимининг қорори билан «Энг намунали мактаб» кўрик-танловида ғолиб чиққан Паркент туманидаги 1-умумтаълим мактаби педагогик жамоаси 150 минг сўм, иккинчи ўринни қўлга киритган 3-умумтаълим жамоаси 100 минг сўм, учинчи ўринни эгаллаган Чиноз туманидаги 40-умумтаълим мактаби жамоаси эса 75 минг сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирланди.

Худди шундай, таълим тизимидаги эришган катта ютуқлари, ўқувчиларга дарс беришда янги замонавий педагогик технологияларни жорий этгани, уларни фан олимпиадаларида энг юқори баҳоларга сазовор этишдаги саъй-ҳаракатлари учун Ангрен шаҳридаги 22-мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси Венера Осмонова, Ўртачирчиқ туманидаги 31-мактабнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси Зоҳида Нуримова, Паркент туманидаги 21-мактабнинг биология ўқитувчиси Хикмат Олимовлар энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида пул мукофоти сазовор бўлдилар.

Қибрай туманида жойлашган вилоят ўрмон мелиоратив техникуми йил сайин ўз касбига меҳр қўйган ходимларни тайёрлаб келмоқда. Билим даргоҳида айни пайтда табиатни севувчи, унинг умрини узайтирувчилар таълим олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

СУРАТДА: техникум раҳбари (ўртада) Тоҳир Мирзатоев талабалар даррасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ҳар гал қадрдон мактабим астонасига қадам қўяр эканман, беихтиёр ўзимнинг ўқувчилик дамларим ёдимга тушади. Муаллимларимизнинг ҳар бир сўзига жон қулоғимизни бериб тинглаган кунларимизни, аъло баҳа олганда қуванганларимизни, устозларимизнинг биз билан баробар севиниб, баробор куюнганларини эслаб, энтикиб кетаман.

Хали-хали таърифсиз бир қувонч билан номзодлик диссертациямни ёқлаган кунларим кўз ўнгимдан ўтади. Биринчи бўлиб эшигимизни тақиллатиб келган, бағрига босиб табриклаган физика ўқитувчимиз Ўринбой Рискибоев бўлган эдилар.

Бугун ўзим ўқитувчи-ман. Менга тикилиб турган қаро кўзларга устозим сингари таълим бера оляпманми, йўқми билмадим. Лекин, у табаррук зотдан олган билимларим ҳар лаҳзада асқотмоқда. Бизга таълим берган муаллимларимизнинг кўпи пенсияда, кўплари орамизда йўқ. Биздан ўзининг бор меҳр-муҳаббатини аямаган, ҳаётдан ўз ўрнини топган инсонлар бўлиб етишишимизда фидойилик кўрсатган устозларимизга бугун таъзим қиламиз.

Саидгани ЭГАМБЕРДИЕВ,
Паркент туманидаги 34-мактаб директори,
физика-математика
фанлари номзоди.

БЕБАҲО ОЛАМ

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азиизларни 2001 йил 31 октябрь, 7, 21 ноябрь ва 5, 12, 19 декабрь кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги ким ошди савдоларига таклиф этади

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Бекобод шаҳар, Йўлдош массивидаги сатҳи 400 кв.м. бўлган 4та ер майдони.

Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 25520 сўм.

2. Бекобод шаҳар «Ўрмон» хўжалиги маҳалласидаги сатҳи 400 кв.м. бўлган 2та ер майдони.

Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 25520 сўм.

3. Оҳангарон тумани, А. Навоий давлат хўжалиги, Озодлик қишлоқ фуқаролар йиғинидаги сатҳи 400 кв.м. бўлган 15та ер майдони.

Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 41200 сўм.

4. Оҳангарон тумани, А. Навоий давлат хўжалиги, Озодлик қишлоқ фуқаролар йиғинидаги сатҳи 400 кв.м. бўлган 15та ер майдони.

Бошланғич баҳоси – 61800 сўм.

Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мо-вароуннахр кўчаси, 17-уй, вилоят Ҳокимияти биносининг чап қаноти. Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 132-00-37.

Dushanba

1

«Ўзбекистон» телеканал

Ўқитувчилар ва мураббийлар кун
6.00-8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».

8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Имом Бухорий». Хужжатли фильм.
9.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
9.30 ТВ метео.
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 8-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 «Ўткан кунлар». Бадий фильм.
12.05 «Шоҳрух клуби».
12.25, 15.00 ТВ анонс
12.30 Кино янгиликлари.
12.50 «Устоз ва

мураббий». Теле-кўприк.
13.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
14.10 «Алишер Навоий». Хужжатли фильм.
15.10 «Бир ҳарф ўқитмиш ранж ила». Бадий - публицистик кўрсатув.
16.00 «Барҳаёт сиймолар».
16.30 «Сизга таъзим, устозлар».
16.55 «Олтин дала».
17.25 «Меҳри - кўёш!»
18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».
18.20 «Ўзбекистон фуқароси».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшларлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Байрамнинг муборак!»
21.35 «Маънавият» дастури.
22.05 «Ўқитувчи». Видеофильм.
«Спорт» дастури.
22.25 1.Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.
2.Теннис бўйича «Челленжер» халқаро турнири.
23.30 «Ахборот».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
10.25 Яшанбада кўришгунча.
10.40 «Мураббий». Видеофильм. 1-қисм.
11.05 «Давр» ҳафта ичида.
11.45 «Мураббий».

Видеофильм. 2-қисм.
12.10 «Давр»-news.
12.30 Синфдош.
13.00 «Заковат» интеллектуал ўйини.
13.45 «Фотима ва Зухра». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикий театрининг спектакли. 1-қисм.
15.00 Спорт ҳафтано-маси.
15.15 «Фотима ва Зухра». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикий театрининг спектакли. 2-қисм.
16.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.00 Иқтидорли ёшлар ҳақида ҳикоя қилувчи «XXI аср: истиқболимиз тимсол-лари» китоби тақдир-мот маросими.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» почтаси, «Келинг, танишайлик».

18.35 Муқаддас бурч.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Тафаккур ёлқин-лари.
19.50 «Устоз». Видео-фильм.
20.10, 21.10, 22.30 Ёшларлар.
20.15 «Олис осмон». Видеофильм.
21.15 Ёшлар овози.
21.35 Қишлоқдаги тенгдошим.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Учрашув». Телевизион бадий фильм.
23.00 «Давр». Ахборот дастури.
23.15 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интер-футбол.
00.50-00.55 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 Мультфильм.

17.35 «Ал-Фарғоний». Телефильм.
17.55 «Мусикий меҳ-монхона».
18.15 «Мустақиллик фарзандлари».
18.30, 21.00, 21.50, 00.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50, 20.00, 20.50 «Экспресс» телегазе-таси.
19.00 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда».
19.45 «Авто-news».
20.10 ТТВда сериал: «Селеста».
21.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.10 «Меҳр нури таратганлар».
22.25 «Нафосат гулша-ни». Ҳ. Фулом.
22.55 Кинонигоҳ. «Душанбагача омон бўлсак».
00.50-00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30 - 8.00
*
14.00-14.55 ТУРКИЯ

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 Жаҳон тарихи. Джаз.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.25 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
*
20.30 «Бизнес-ревью».
20.35 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «ТВ-4да Немис тўлкини».
21.45 «Клип-антракт».
21.55 Кинематограф. «Тарзан». Бадий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Seshanba

2

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбе-кистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Алла».
9.10, 12.25 ТВ метео.
9.15 «ТВ-клуб»
9.35 «Шарки ва Жорж». Телесериал. 9-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
10.25 «Биз буни ўтмаганиз». Бадий фильм.
11.55, 13.50 ТВ анонс.
12.05 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».
Спорт дастури.
12.30 Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.

13.00 «Мураббий».
13.20 «Маънавият» дастури.
14.10 «Экспедиция». Телесериал. 10-қисм.
15.00 «Зиё» студияси намоиш этади: «Эътиқод мустақам-лиги йўлида».
15.30 «Табассум кўчаларида».
16.05 «Мусиқа ва театр».
16.35 «Талабалик йилларим».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Беодоб». Мультфильм.
18.20 «Мулк».
18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Разолат гирдо-би».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшларлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.35 Кураш бўйича Ўзбекистон Республи-каси Президенти соврини учун Ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир.
22.05 «Ифтихор».
22.30 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 30-қисм.
22.55 «Ахборот».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Келинг, танишайлик».
9.45 «Мульттомоша».
10.00 «Живз ва Вус-тер». Телесериал.

10.50 Бизнес-академия.
11.05 «Устоз». Видео-фильм.
11.25 Жаҳон жуғрофия-си.
12.15 Ёшлар овози.
12.35 «Учрашув». Телевизион бадий фильм.
13.05 «Ноилж сайёд-лар». Телесериал.
13.55 Чемпион сирла-ри.
14.15 Интерфутбол.
15.50 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари». Телесериал.
* * *
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Олтин қалит», «Имтиҳон».
17.15 «Дороти Оз мамлакатида», «Катта олма шаҳридаги мусобақа». Мульт-фильмлар.
18.05 Олов билан юзма-юз.
18.20 Таянч.

18.35 Автопатрул.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Ватан манзарала-ри.
20.10 Марду майдон.
20.30, 21.25, 22.30 Ёшларлар.
20.35 «Мерлин». Бадий фильм 1-қисм.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телека-налида премьера: «Клеопатра». Бадий фильм 1-қисм.
23.10 «Давр». Ахборот дастури.
23.25 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри.
01.05-01.10 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.20 Кўрсатувлар тартиби.

17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Болажонлар экрани. «Леато ва Феофан». 1, 2-қисмлар.
18.30, 21.00, 21.50, 00.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50, 20.00, 20.50 «Экспресс» телегазе-таси.
19.00 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда».
19.45 «Дурдона».
20.10 ТТВда сериал: «Селеста».
21.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.10 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.55 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 1-фильм. 1-қисм.
00.25-00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30.- 8.00
*
14.00-14.55 ТУРКИЯ

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 Жаҳон тарихи. Джаз.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.25 Қутқарувчилар. Тезкор ёрдам.
18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Бўш ҳалқа». Шоу ўйин премьераси.
20.00 «Время».
*
20.30 «Бизнес-ревью».
20.35 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «Х-Спорт».
21.40 Клип-антракт.
21.50 Кинематограф. «Ҳаёт сурури». Бадий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Chorshanba

3

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Номаълум Кизилқум».
9.20 ТВ метео.
9.25 «Оламни асранг!»
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 10-қисм.
10.00, 12.00, 14.00 Янгиликлар
10.05 «Ямбўй ажина-си». Бадий фильм.
11.35 «Камолот сари».
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Разолат гирдоб».
12.25 «Қувноқ шаҳар-ча». Телевизион ўйин.
12.55 «Толеи ёруғ одамлар».

13.05 Кураш бўйича Ўзбекистон Республи-каси Президенти соврини учун Ат - Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир.
13.35 «23,5 даражали бурчак остида». Теле-сериал. 30-қисм.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35 «Экспедиция». Телесериал. 11-қисм.
15.25 «Болаликнинг мовий осмони».
15.45 Авестонинг 2700 йиллиги олдидан.
«Авесто». 1-қисм.
16.05 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан».
16.30 «Қора қуён».
16.40 Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Видеофильм. 1-қисм.
18.10 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».

18.35 «Инвестиция».
18.45 «Аёл дунёни тебратар».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшларлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қизлар давраси».
22.10 «Тараққиёт йўлида».
22.25 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Академия» - «Насаф» (Қарши)
23.10 «Ахборот».
23.45 -23.50 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Олтин қалит», «Имтиҳон».
9.45 Муқаддас бурч.

10.05 «Давр»-интервью.
10.20 «Живз ва Вус-тер». Телесериал.
11.10 Ёшлар ва маъна-вият.
11.25 «Мерлин». Бадий фильм 1-қисм.
12.15 Таянч.
12.30 «Ноилж сайёд-лар». Телесериал.
13.20 Қўли гул уста.
13.40 «Ёшлар» телека-налида спорт: Теннис.
14.20 Болалар экрани.
15.25 Ёшлар овози.
15.45 «Кусто команда-сининг сувости саргу-заштлари». Телесериал.
16.35 Ватан манзарала-ри.
16.55 Автопатрул.
17.15 Хайрат.
* * *
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Шум болалар».
18.10 «Ота». Видео-фильм.
18.30 «Мени тушун» Телеўйин.

18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 «Сийрат».
19.55, 20.40, 22.30 Ёшларлар.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Очил дастурхон.
20.45 «Мерлин». Бадий фильм 2-қисм.
21.30 «Озод юрт фарзандлари». Видео-фильм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 «Клеопатра». Бадий фильм 2-қисм.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телека-налида спорт: Интер-футбол.
01.10-01.15 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

18.05 Болажонлар экрани. «Афсунгар».
18.30, 21.00, 21.50, 00.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50, 20.00, 20.50 «Экспресс» телегазета-си.
19.00 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда».
19.45 «Интер-спорт».
20.10 ТТВда сериал: «Селеста».
21.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
22.10 «ТВ плюс».
22.55 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 1-фильм. 2-қисм.
00.25-00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30 - 8.00
*
14.00-14.55 ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 Жаҳон тарихи.

Джаз.
16.00 «Вести».
16.25 «Тармоқ». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.25 Е. Петросьяннинг «Кулги панорамаси».
18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
*
20.30 «Бизнес-ревью».
20.35 «Бебилиска пул». Сериал.
21.25 «Нигоҳ».
21.45 «Шарқнинг машхур аёллари».
22.05 Клип-антракт.
22.15 Кинематограф. «Энаганинг ўлими ҳақида онамга оғиз очма!» Бадий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Payshanba

4

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеле-

фильм» намоиши: «Тилларанг ришталар жозибаси».
9.10 ТВ метео.
9.15 «Аёл дунёни тебратар».
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал. 11-қисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва тақлиф».
10.25 «Бурилиш». Бадий фильм.
12.05 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
12.30 Гёте. «Фауст». Телеспектакль. 1-қисм.
13.20 «Олам». Телеаль-манах.
13.55 ТВ-анонс.

14.10 «Инсон ва қонун».
14.30 «Озод юрт одамлари». Бадий - публицистик кўрсатув.
14.55 «Қизлар давраси».
16.00 «Наво таралсин».
16.15 Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Видеофильм. 2-қисм.
17.30 «Харита». Халқа-ро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».

18.10 «Банк ва мижоз».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшларлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».

21.05 «Талқин».
21.30 «Саҳна ҳаёти».
21.55 «ТВ-клуб».
22.15 «Орзулар қаноти-да».
22.50 «Ахборот».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод»

студияси: «Оқ кабутар», «Шум болалар».
9.40 «Живз ва Вус-тер». Телесериал.
10.30 Спорт қитъаси.
11.00 Сенинг вақтинг.
11.20 «Оби ҳаёт». Экологик тележур-нал.
11.40 «Мерлин». Бадий фильм 2-қисм.
12.25 Сийрат.

12.45 «Ноилож сайёдлар». Телесериал.	дастури.	21.30 Бегойим.	«Санта-Барбара».	«Селеста».	14.55 Кўрсатувлар тартиби.	Шоу ўйин премьераси.
13.35 Интерфутбол.	18.10 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».	21.50 Олтин мерос.	18.05 Болажонлар экрани. «Этик кийган мушук».	21.20 «Табриклаймиз, кутлаймиз».	15.00 Жаҳон тарихи. Джаз.	20.00 «Время».
15.10 «Мени тушун» Телеўйин.	18.35 Табобат оламида.	22.00 «Давр». Ахборот дастури.	18.30, 21.00, 21.50, 23.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.	22.45 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 2-фильм. 1-қисм.	16.00 «Вести».	20.30 «Бизнес-ревью».
15.35 «Эхтимол улар аклдан озишгандир». Телесериал.	18.55, 21.55 Иқлим.	22.30 «Клеопатра». Бадий фильм 3-қисм.	18.50, 20.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.	00.10-00.15 «Хайрли тун, шахрим!»	16.25 «Тармоқ». Сериал.	20.35 «Бебилиска пул». Сериал.
16.00 «Муҳаббат риштаси». Бадий фильм 1-қисм.	19.00 «Давр». Ахборот дастури.	23.10 «Давр». Ахборот дастури.	19.00 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда».	17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.	17.15 «Бугун оламда».	21.25 «Соккер-клуб».
17.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.	19.30 ТВ-анонс.	23.25 «Ешлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.	19.45 2001 йил – «Оналар ва болалар йили». «Аёл – она, мураббий, раҳбар» телеклуби.	17.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий журнал.	18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.	21.45 «Кино сайёраси».
18.05 Кўрсатувлар	19.50 Ўн дақиқа кулги.	01.00-01.05 «Хайрли тун!»	20.10 ТТВда сериал:	18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.	19.00 «Бўш ҳалқа».	22.05 Клип-антракт.
	20.00 Оддий одамлар.	17.20 Кўрсатувлар тартиби.				22.15 Кинематограф. «Дайди». Бадий фильм.
	20.20, 21.05, 22.30 Эълонлар.	17.25 ТТВда сериал:				23.40 «Ахборот» (рус тилида)
	20.25 «Мерлин». Бадий фильм 3-қисм.					00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»
	21.10 Ёшлар овози.					

JUMA

5

«Ўзбекистон» телеканал	13.00 Гёте. «Фауст». Телеспектакль 2-қисм.	19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар	Бадий фильм 3-қисм.	19.35 Автосалтанат.	маскани».	тартиби.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»	14.10 «Йил ўқитувчиси». Республика кўрик-танлови.	19.30 «Ахборот» (рус тилида)	12.10 Бегойим.	19.50 Аср қиёфаси.	18.30, 21.00, 21.50, 00.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.	15.00 Жаҳон тарихи. Джаз.
8.00-8.35 «Ахборот».	14.35 Кундузги сеанс: «Фаройиб бола». Бадий фильм.	20.00 Оқшом эртақлари.	12.30 «Кондорлар» Хужжатли фильм.	20.10 Ўн дақиқа кулги.	16.00 «Вести».	20.30 «Бизнес-ревью».
	16.00 «Симфоник куйлар оғушида».	20.15 «Тиббиёт одимлари».	13.20 Интерфутбол.	20.20 Жар ёқасида.	16.25 «Тармоқ». Сериал.	20.35 «Бебилиска пул».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.	16.30 «Хуқуқ сабоқлари».	20.30 «Ахборот».	14.55 Ёшлар овози.	20.35, 21.25, 22.30 Эълонлар.	17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.	21.25 «Соккер-клуб».
8.40 Газеталар шарҳи.	16.50 Болалар учун. «Кичикинтоймиз - гижингтоймиз».	21.05 «Оталар чойхонаси».	15.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.	20.40 «Мерлин». Бадий фильм 4-қисм.		21.45 «Кино сайёраси».
9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Тўй либослари».	17.10 «Битик».	22.05 «Ривож».	16.05 «Ота». Видеофильм.	21.30 Аскар мактублари.		22.05 Клип-антракт.
9.15 ТВ - метео.	17.30 «Келажакка интилиб».	22.15 «Олам». Телеальманах.	16.25 «Муҳаббат риштаси». Бадий фильм 2-қисм.	21.50 Олтин мерос.		22.15 Кинематограф.
9.20 «Депутат».	17.45 «Инжиқ Мурод». Мультфильм.	22.25 «Ахборот».	17.45 Кўрсатувлар дастури.	22.00 «Давр». Ахборот дастури.		22.45 Кинонигоҳ.
9.35 «Шарки ва Жорж». Мультсериал.	18.10 «Ватан ҳақида кўшиқ». Бадий - публицистик кўрсатув.	23.25-23.30 Ватан тимсоллари.	17.50 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»	22.10 «Табриклаймиз, кутлаймиз».		22.50 Кинонигоҳ.
12-қисм.	18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.	«Ёшлар» телеканал	18.10 «Мульттомоша».	22.25 «Ўзбекистон автомобилсозлиги».		23.40 «Ахборот» (рус тилида)
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар	19.05 «Имконият».	8.55 Кўрсатувлар дастури.	9.40 «Мульттомоша».	19.00 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда».		00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»
10.05 «Инсон ва замин».		9.00 «Давр». Ахборот дастури.	10.05 «Давр»-интервью.	19.45 «Мисли гавҳар».		
10.25 «Уч плюс икки». Кинокомедия.		9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».	11.10 Оддий одамлар.	20.10 ТТВда сериал: «Селеста».		
11.50, 12.25 ТВ анонс.		9.40 «Мульттомоша».	11.30 «Мерлин».	21.20 «Табриклаймиз, кутлаймиз».		
12.05 «Соғлом авлод» учун. Касаба уюшмалари спорти.		10.05 «Давр»-интервью.		22.10 «Эътикод».		
12.35 «Талқин».		11.10 Оддий одамлар.		22.25 «Ўзбекистон автомобилсозлиги».		
		11.30 «Мерлин».		22.45 Кинонигоҳ.		
				23.15 «Давр». Ахборот дастури.		
				23.30 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.		
				00.30-00.35 «Мунаввар тонг истаб».		
				«Тошкент» телеканал		
				17.20 Кўрсатувлар тартиби.		
				17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».		
				18.05 Мультфильм.		
				18.15 «Саломатлик		

SHANBA

6

«Ўзбекистон» телеканал	демакдир». Бадий фильм. 1-қисм.	18.40 «Санъат олами».	9.20 Табобат оламида.	19.40 «Давр»-интервью.	21.10 М. Бобоев.	Бадий фильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»	13.30 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.	19.00 «Мусиқа: кеча ва бугун».	9.40 «Олис осмон».	19.55 Ёшлар овози.	«Кўнгил кўчалари».	12.40-13.40 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Чинсен», «Қаҳшашон».
8.00-8.35 «Ахборот».	13.50, 18.05 ТВ анонс.	19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар	10.35 Аср қиёфаси.	20.15 Хайрат.	21.50 «Спорт-тайм».	
	14.00 «Дўстлик» видеоканали: «Мехрангез», «Жетиген».	19.30 «Ахборот» (рус тилида)	10.55 «Мерлин». Бадий фильм 4-қисм.	20.35, 21.10, 22.30 Эълонлар.	22.10 «ТТВ плюс юлдузлар».	
8.35 ТВ маркет.	14.20 «Муҳаббат - ҳаёт демакдир». Бадий фильм. 2-қисм.	20.00 Оқшом эртақлари.	11.40 Лаззат.	20.40 «Рамаяна». Телесериал.	22.35 «Айбдор ким». Бадий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон)	
8.40 Газеталар шарҳи.	15.45 Термиз шахрининг 2500 йиллиги олдидан. «Буюк Ипак йўли бўйлаб».	20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)	12.05 Ринг қироллари.	21.15 Кутилмаган меҳмон.	23.40 «Телефакт».	
8.55 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Афсонавий шахарда».	16.05 «Шийпондаги учрашувлар». Хива тумани «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги ҳузурида.	20.30 «Ахборот».	13.05 Муттойиба.	21.35 Футбол плюс.	23.50 «Айбдор ким». Бадий фильм. 2-қисм.	
9.20 ТВ метео.	16.35 «Арвоҳ қаҳри». Видеофильм. 1-қисм.	21.05 «Олтин дала».	13.30 «Рамаяна». Телесериал.	22.00 «Давр». Ахборот дастури.	00.55-01.00 «Хайрли тун, шахрим!»	
9.25 «Хидоят сари».	17.20 «Спорт шанбадан-шанбагача».	21.35 «Шанба оқшомида».	14.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.	22.35 «Клеопатра». Бадий фильм. 5-қисм.	«Халқаро» телеканал	
9.45 «Шарки ва Жорж». Мультсериал.	17.45 «Чемпион билан учрашув».		14.45 «Океан тубида». Бадий фильм.	23.40-23.45 «Хайрли тун!»	9.00 Кўрсатувлар тартиби.	
13-14 қисмлар.	18.15 «Фламинго».			«Тошкент» телеканал	9.05 Клип-антракт.	
10.35 «Ўй бекаси».				17.20 Кўрсатувлар тартиби.		
«Тирик сайёра» кинодастури:				17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».	9.10 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси.	
10.55 «Мовий уммон қаҳрида». Хужжатли фильм.				18.10 Болажонлар экрани. «Олтин калитча».	9.45 «Смак».	
11.45 Ўсмирлар учун. «Фарзандим - жигарбандим».				19.25, 20.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.		
12.05 ТВ-1 кинотеатри: «Муҳаббат - ҳаёт				19.35 «Ёднома».	10.05 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.	
				20.10 «Табриклаймиз, кутлаймиз».	10.30 «Экран зийнати ва қиймати».	
				20.50 «Нима учун?» Ҳажвий кўрсатув.	10.55 «CFI янгиликлари».	
					11.05 Кундузги сеанс: «Бир уринишда».	

Yakshanba

7

«Ўзбекистон» телеканал	миниатюралар театри.	20.05 «Оламга саёҳат».	11.40 Болалар экрани.	20.10, 21.15, 22.40 Эълонлар.	20.35 М. Бобоев.	12.45 «Парле ву франсэ?»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»	13.25 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.	20.30 «Таҳлилнома».	12.00 «Денгиз жанги».	20.15 «Рамаяна». Телесериал.	«Кўнгил кўчалари».	13.10 «Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Дидар».
8.00-8.35 «Ахборот».	14.25 «Кайнона». Бадий фильм.	21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».	12.45 Ёшлар овози.	21.20 «Зинама-зина» интеллектуал ўйини.	21.55 «Дўстлик кўприги». Ўзбекистон - Германия.	13.50 - 14.20 «Немис тили».
	15.40 «Шоирлар - болаларга».	21.35 ТВ-1 намоиш этади.	13.05 Очол дастурхон.	21.50 Олтин мерос.	22.10 Кинонигоҳ.	
8.35 «Камалак».	16.00 «Кўҳна замин оҳанглари».	Якшанба кинозали.	13.20 «Рамаяна». Телесериал.	22.00 «Давр» ҳафта ичида.	22.35 «Бакти воқеа».	
Болалар учун кинодастур.	16.25 «Арвоҳ қаҳри». Видеофильм. 2-қисм.	21.50 «Бокиралик асри». Бадий фильм.	14.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».	22.45 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Фаришталар шаҳри». Бадий фильм.	23.30-23.35 «Хайрли тун, шахрим!»	
9.05 «Фаройибот».	17.10 «Яккама - якка жанг». Спорт дастури.	23.55-00.00 Ватан тимсоллари.	14.20 Интерфутбол.	00.15-00.20 «Хайрли тун!»	«Халқаро» телеканал	
9.20 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Қоядаги расмлар».	17.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.	7.55 Кўрсатувлар дастури.	15.55 Кишлоқдаги тенгдошим.	9.00 Кўрсатувлар тартиби.	9.05 «Клип-антракт».	
9.30 ТВ метео.	18.00 «Қалб гавҳари».	8.00 «Давр тонги».	16.15 «Ортиқча юк». Бадий фильм.	9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».		
9.35 «Шоҳрух клуби».	18.25 «Олтин тож». Телевизион ўйин.	9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».		9.30 «Ҳамма уйдалигида».		
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».	18.45 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».	9.20 «Мульттомоша».				
11.00 2001 йил - «Оналар ва болалар йили». «Бола бошидан».	19.05 «Тўртинчи ҳокимият».	9.35 Футбол плюс.				
11.20 «Динозавр».	19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар	9.55 «Давр»-интервью.				
Мультфильм.	19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)	10.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.				
12.30, 13.15 ТВ анонс.		11.00 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марду майдон, 2.Аскар мактублари.				
12.40 Телевизион						

МЕНДЕК СЕВОЛСАНГ БАС, ЎЗБЕКИСТОННИ!

НАБИРАМГА

Болажон, туғилдинг бахтли бир кунда,
Бирам дўмбоқ эдинг, кўзларинг қора.
Онагинанг бўлди парвонанг шунда,
Кўнғир сочларингдан эркалаб тараб.

Замон сеникидир ўйна, яйра, кул,
Болалик гаштини суролгин обдон,
Шодликларга чўмсин нигоҳинг буткул,
Болалигим бўлсин сенда намоён.

Ўсиб улғайганда тенгдошлар ичра,
Сени кўрсам дейман, Озод, шодумон,
Сенда бўлсин дейман қувончли чехра,
Бахтингни куйласа ер, қуёш, осмон.

Кўлингда бахтингни куйлагувчи соз,
Иқболингни куйла, ғанимлар ёнсин.
Сайёралар сари қилавер парвоз,
Барча орзуларинг, болажон, қонсин.

Жажжи юрагининг ҳар бир зарбига,
Ватан сўзи бўлсин доим қоришиқ,
Аждодларнинг руҳи этсин тарбия,
Кўзларингдан зулмат кетсин ёришиб.

Юрагингда доим эл меҳри турсин,
Билгил, шу юрт берган менга ҳам жонни.
Бобонгни унутсанг жонимга урсин,
Мендек севолсанг бас, Ўзбекистонни!

НАВОИЙ

Эркин Воҳидовга

Кун келиб назмдан, ғазалдан тўйса,
Оҳ тортса оҳидан булутлар куйса.
Болиши тош бўлиб, қалбин ўяр ғам,
«Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса».

Қошларин қароси топажак завол,
Кўзларин зиёси қолмагай мисқол.
Дардига ер-кўкдан тополмас малҳам,
Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса.

Ҳатто пахтасига қўнади ғубор,
Ҳатто меҳридан ҳам чекади озор.
Ҳаттоки қўёлмас кулиб бир қадам,
Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса.

Тоғлари мунғайиб чўкиб қолгудай,
Осмонида кезган қуёш толгудай.
Минг йиллик ҳасрати тутажак маҳкам,
Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса.

Юрагин тубидан учар нолалар,
Рангини йўқотар алвон лолалар,
Ахир буюкликка бўларми ҳамдам,
Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса?

Қабоҳат, разолат нишидан тониб,
Ҳавзи кавсардан сув сипқорсин қониб.
Дунёда одамдай яшайман деса,
Ўзбек Навоийни ўқисин ёниб.

ДАЪВАТ

Айланмасин оғуға ошинг,
Тўқилмасин бевақт кўз ёшинг.
Шундай экан, эй, ватандошим,
Ўз уйингни, ўзингни асра!

«Бир яхшига бир ёмон» - мақол,
Яхшиларни ўз бағрингга ол.
Умид ила экилган ниҳол —
Жондек ўғил-қизингни асра!

Фиғонга айланмасин яллалар,
Ғамбода бўлмасин аллалар.

Янграйверсин саҳар паллалар,
«Муножот», «Қаро кўзим»ни асра!

Ёв бошида синдиргин таёқ,
Кўзларингдан чақнасин чақмоқ.
Тинчлик бизнинг энг эзгу маёқ,
Ичар нону тузингни асра!

Бадниятлар юрарлар яниб,
Ёвузларни олгайсан таниб,
Янч бошини, тиз чўқсин ғаним,
Топган обрў, бурдингни асра!

Ватандошим, бўлгил сен огоҳ,
Кўзингни оч, келажакка боқ!
Истиқлолдир таянч мисли тоғ,
Хушёр бўлу юртингни асра!

СОҲИБҚИРОН

Бир саҳар қўлимга тутганда қалам,
Жўшқин туйғуларим кўчди сатрга,
Масрурлик чулғади қалбимни шу дам,
Соҳибқирон бобом келди хотирга.

Ҳаёт бу, яшамоқ осонмас асли,
Кўндир ғов қўйгувчи кажбаҳс шотирлар.
Шундайин кунларга қолганим фасли,
Соҳибқирон бобом келди хотирга.

Мен-ку юртимдаги кичик бир зарра,
Гўё бошоқдаги бўлиқ бир дона.
Буюк жаҳонгирни эслар бир карра,
Замин Осиёда ҳар битта хона.

Диёнат мулкига султон эди у,
Бировнинг ҳаққини емасди биров.
Ҳақиқат дастиди қалқон эди у,
Қабоҳат, зулмга солганди биров.

Соҳибқирон яшар - ҳақдир барқарор,
Сира ҳам ўксуклик кўрмайди инсон.
Қайда мазлумларга етса гар озор,
Адолат қўлини чўзар ўша он.

АЁЛ

Сўрасанг замонлар садо беради,
Орзулар, армонлар садо беради.
Салтанат, давронлар садо беради,
Ҳамиша азизу мўтабар аёл.

Низомий сўз дурин бир-бир терганда,
Ҳофиз бир хол учун шаҳар берганда,
Навоий гулим деб ёниб турганда,
Таърифнинг ким этар мухтасар аёл.

Ўғил-қизи учун бағри гулбоғдир,
Бало, тўфонларга кўкси алп тоғдир.
Мадҳи минглаб «Чоргоҳ», «Баёт»,
«Сегоҳ»дир,

Ҳар сўзи бир наво муқаррар аёл.

Булбул хонишидан алласи гўзал,
Гулларнинг атридан нафаси гўзал,
Камалакдан кийган атласи гўзал,
Бари гўзалликдан муаттар аёл.

Умрини яшайди худди тарозу,
Бир қўлида меҳр, бирида орзу,
Ҳатто табиатнинг бор ундан қарзи,
Яхшию ёмонга баробар аёл.

Шукур, аёл бордир, меҳри асрайди,
Дунёни эзгу бир сеҳри асрайди.
Агарки ёронлар имкон бўлсайди,
Оламни этарди муанбар аёл.

Эркили диёримда қадринг сарбаланд,
Буюк эртанг мисли жаннатга монанд,
Юрагинг машғал эт, эт юртга пайванд,
Айла ҳар юракни мунаввар аёл.

МЕН АЙТГАН ҚЎШИК

Кўзларингда ёшларинг пинҳон,
Соғинганда бўлиб нигорон,
Қалбинг тепса висол деб чунон,
Ўша, ўша мен айтган қўшиқ.

Кеча-кундуз ёниб ўйласанг,
Юрт меҳрига сира тўймасанг,
Сочинг силаб еллар куйласа,
Ўша, ўша мен айтган қўшиқ.

Баҳор бўлса сенинг ҳамроҳинг,
Бўлмаса гар заррача оҳинг,
Янчиб ўтсанг ранжу фироқни,
Ўша, ўша мен айтган қўшиқ.

Яшнаб кетса ўнг билан сўллар,
Яшил кийса адрлар, чўллар,
Бўй таратса ораста гуллар,
Ўша, ўша мен айтган қўшиқ.

Гулшанларда гулдек бўй чўзсанг,
Ишқ дарёда оққушдек сузсанг,
Энг чиройли гунчани узсанг,
Ўша, ўша мен айтган қўшиқ.

Шод яшасанг қувнаб умрбод,
Орзуларинг бўлсалар бунёд,
Бахтли, тотли туюлса ҳаёт,
Ўша, ўша мен айтган қўшиқ.

Умр ўтар, сўрамай биздан,
Дил узилмас кўклардан, куздан,
Айрилмасанг Эрк деган сўздан,
Ўша, ўша мен айтган қўшиқ.

Яшамоқдан бир куни толсанг,
Насибангнинг барини олсанг,
Тилингда, эй, дўсти мухтарам,
«Ўзбекистон» деган сўз қолса,
Ўша, ўша мен айтган қўшиқ.

АСЛ ИНСОН ДЕНГ

Боғлардан куз келиб фойз кўчганда,
Қушлар янги ошён излаб учганда.
Яхшининг юлдузи ногоҳ ўчганда,
Дилимда бир урён қалқаверади.

Ердан гул ундирган шўрхок тер бўлар,
Кулба тиклаганнинг номи эр бўлар,
Алп тоғлар кул бўлар, қадди ер бўлар.
Дилимда бир урён қалқаверади.

Вафодор вафосин қилганда миннат,
Мақталса лоф уриб азалий ҳиммат,
Мол билан ўлчанса қадр ила қиммат,
Дилимда бир урён қалқаверади.

Дарёлар кўп жуда, бўшаган жоми,
Қирғоғи яланғоч, очилган коми,
Не атай — аламми, қайғуми — номин,
Дилимда бир урён қалқаверади.

Кўйинг баттолларни, ўзни осмон денг,
Бундойни дон қилган бағри сомон денг.
Кулоғимга аста Ўзбекистон денг,
Шу юртни чин севган асл инсон денг.
Темур, озод кунлар дорилмомон денг,
Дилимда бир жаҳон балқаверади!

Темур УБАЙДУЛЛО.

ҚУРОЛЛАР ЯНА ТИЛГА КИРАДИМИ?

Халқимизда, қолаверса, жаҳоннинг барча кишиларида бир ният бор: олам тинч бўлсин. Чунки, инсониятнинг ривожини айнан осойишталикка, тинчликка боғлиқ. Қўлингизга ёки оёғингизга ноҳос тикан киргудек бўлса, бутун вужудингиз озор чекади. Бундан бир неча кун олдин Нью-Йорк ва Вашингтонда рўй берган даҳшатли воқеаларнинг акс садоси дунёнинг барча минтақаларидан эшитилиб турибди. Ҳамманинг тилида бир сўз – қуроллар яна тилга кирадимиз? Одатда қурол тилга кирганда, илоҳалар жим бўлар экан...

Бугунги кунда нигоҳларимиз Афғонистонда бўлаётган таҳликаларга қаратилган. Ҳамма АҚШнинг ҳарбий ҳаракатлари мана-мана бошланади, деб юрагини ховучлаб турибди. Лекин, бундай хатти-ҳаракатлар бўлмаслиги ҳам мумкин. Агар Афғонистондаги толиблар АҚШ раҳбарияти кўйган шартларни сўзсиз адо этса, суғурилган қилич яна кинга киради. Бир неча йиллардан бери жаҳон афкор оммасининг диққат марказида турган толиблар ҳали вери яхшилиқ сари – тинчлик сари, ҳамжиҳатлик сари, биродарлик сари юз бурадиган кўринмайди. Уларнинг шимолий уюшма билан олиб бораётган жанглари, Мозори Шариф атрофидаги қонли тўқнашувлар шундан далолат бериб турибди. Албатта, террор деганда, биз зўравонликни тушунамиз. Террор сўзи аслида жуда кўп маънони ифодалайди. У биринчи навбатда жаҳоннинг ҳамма бурчагида исён чиқариш, ҳамманинг диққатини ўзига тортиш, оромини бузиш ва энг муҳими, ер кўррасининг ўқини чаппа айлантиришга интилишдан иборат. Жаҳоннинг қайси бурчагида уруш тутунлари бурқсар экан, бунда албатта, қўлига қурол тутган, дилига ёвузликни жо этган террорчининг қўли бўлади, десак янглишмаймиз.

Шу кеча-кундузда барча давлатлар терроризмнинг қанчалик даҳшатли кўриниш олаётганини яна бир қарра ҳис этди. Терроризмни йўқ қилиш учун бирлашиш, имкон қадар уни бўғиб ташлаш зарурлиги эъти-

роф этиляпти. Бугун бутун Шарқ таҳликада яшамокда. Барчанинг нияти битта – тезроқ толибонлар эс-хушини йиғиб, ҳамма сокингина нафас олса. Кун кеча АҚШ президенти Жорж Буш Афғонистонда қўним топган террорчиларга қарши ҳарбий тайёргарликни авж олдириш баробарида 27 шахс ва ташкилотларга қарашли катта миқдордаги маблағларни «музлатиб» қўйиш тўғрисидаги қонунга имзо чекди. Бу унинг фикрича, терроризмга маблағ томонидан берилган зарба экан.

Махшур шоир Расул Гамзатовнинг бир шеъри бор. Унда бетоб боласи қошида она зорланиб, нима қилсанг қил, фақат соғайиб кетсанг бас, деб нола чекади. Биз ҳам барча омиллар ишга тушишини, жаҳонни ларзага солиб турган воқеа-ҳодисалар яхшилиқ билан тугашини, қуроллар жимлигича қолишини жуда-жуда хоҳлардик.

ҚИСҚА САТРАДАРДА

- Чеченистон республикасида 106-Тула ҳарбий ҳаво дивизиясининг жуда катта десант гуруҳи жўнатилди. Улар олти ой мобайнида Чеченистон ҳудудини ўз назоратларида ушлаб турадилар. Гуруҳ таркибига ҳарбийлар билан бир қаторда шифокорлар, алоқачилар, усталар ҳам бор.
- Бирлашган Араб Амирликларидан сўнг Саудия Арабистони ҳам Афғонистондаги толиблар билан муносабатларини узиш ҳақида эълон қилди. Айни пайтда ушбу мамлакат ўз ҳудудидан АҚШга Афғонистонга зарба берувчи макон сифатида фойдаланишига рози бўлмади.
- АҚШда юз берган фожеадан сўнг террорчиларга алоқаси борлиқда шубҳа қилинган 352 киши қўлга олинди.
- Минглаб исроилликлар ҳозир противогазлар сотиб олиш учун ҳаракат қилишмоқда. Улар АҚШнинг Афғонистонда терроризмга қарши ҳарбий операцияларидан ташвишга тушаётганликларини яширмаптилар.

«ҚУЁН»ЛАР УШЛАНДИ

Руминиядаги поезд йўловчилари бепул юришни хуш кўришади. Тўғри, биров пулсизликдан, биров атайлаб шундай қилар. Лекин, бунинг оқибатида темирйўл компанияси катта зиён кўрмоқда. Охири оқибатда ҳукумат режали тадбир ўтказишга қарор қилди. Бир кун саҳарда поездлардан бири кенг далада тўхтатилди. Уни дарҳол полиция ўраб олди. Вагонга нозирлар чиқишди: «Марҳамат қилиб, чипталарингизни кўрсатинг». Биров қочиб кетди, биров вагон томига чиқиб олди, биров тўғри келган жойга беркинди. Лекин, бефойда. Шу кун нима бўлди, денг: 1500 йўловчининг 1300таси билетсиз экани маълум бўлди. Ана жарима-ю, мана жарима!

Ажаб савдолар

Покистонлик Сайёд Искандар Шоҳ машинасини орқага юргизишда ном чиқарган. У ўзининг «Порше»сини соатиға 55 километр, хавфсиз жойда эса 140 километр тезлик билан ҳайдайди. Сайёд машинанинг тезликка олувчи ускуналарининг ҳаммасини ортага юриш учун мослаштирган. У мазкур соҳада жаҳон рекорди ўрнатиш ниятида: тўққиз соат ичида 900 километр йўл босмоқчи. Дунёда ягона бу «рекордчи»га омад қилиб боқсинда.

ДУНЁДА ЯГОНА

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ИШЛАРИ

ҒАРОЙИБ ЖАРРОҲЛИК

Таиланд пойтахтидаги кўлда яшовчи тошбақа тош йўлга чиққанида, машина остида қолиб, косасининг ярми эзилиб кетибди. У ҳаётдан кўз юмиши муқаррар эди. Лекин, табиатни севувчи жониворлар шифокори унинг жонига оро кирди. У нозиккина симлардан ҳамда пластмассадан ниҳоятда чиройли сунъий қалқон ясади-ю, тошбақа косасининг омон қолган қисмига ёпиштириб қўйди. Ушбу сунъий зирх то тошбақа косаси



Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

қайта ўсиб чиққунча уни химоя қилади. Бунинг учун эса, камида бир йил керак. Ҳозир тошбақа жониворлар учун қурилган махсус шифохонада назорат остида яшамокда.

БҮЙДОКЛАРГА ТУЗОК

Львов шаҳридаги маиший техника савдоси билан шуғулланувчи дўкон харидорларни ажойиб бир йўл билан жалб қилди. Бу ерда бўйдоқлар қўйлақларини текинга тозалаш учун топширишлари мумкин, деб эълон осиб қўйишди. Мурожаат қилувчи кимса паспортини кўрсатиши, бўйдоқлигини тасдиқлаши шарт эди. Буюртмачи иши битгунча, пештахталар ора-лаб, у ердаги ҳамма нарсани кўздан кечирибди. Албатта, бирон нарсани ёқтириб, харид қилади. Касса олдида келганида эса, уни ниҳоятда гўзал қизлар қарши олишади. Энг қизиғи улар ҳам ҳали турмуш қуришмаган. Буёғини ўзингиз тушуниб олаверинг: учрашувга таклифлар, ваъдалар, кейин тўй дегандек. Бир кесак билан икки қаргани урса бўлар экан-а.

Махшур аёллар

ШОПЕННИНГ СЕВГИЛИСИ



Мактабда ўқиб юрган кезларимизда қўлимга бир китоб тушиб қолганди. У Жорж Санднинг «Консуэло» романи эди. Роман шу даражада маҳорат билан ёзилган эдики, эркак кишининг аёл қалбини бунчалар нозик тушунишига уни қайта-қайта ўқиб, яқин-яқингача қойил қолиб юрардим. Кейин билсам, Жорж Санд деган эркакча бу ном баронесса Аврора Дюдеваннинг адабий тахаллуси экан.

дан кам асар ёзмас, рўзгор ишларидан бўшамас эди. Улар етти йил мобайнида мана шундай осуда ҳаёт кечиришди. Жорж Санд бири-биридан гўзал романлар ёзди. Шопен эса энг ажиб асарларини яратди.

Бора-бора Шопен инжиклашиб кетди. Унинг соғлиғи тобора ёмонлашар, Авроранинг куйиб-пишишлари сира фойда бермасди. Фақат шу аёлнинг буюк муҳаббати, гамхўрлиги туйғайлигина Шопен тирик юрарди. Инжиклик бора-бора оилавий жанжалларга сабаб бўлди. Охири улар ажралишди.

Жорж Санддан жудо бўлгандан кейин, Шопен ўзини ниҳоятда ночор ва ёлғиз сезди. Бунинг устига Польшадан отаси ўлгани ҳақидаги хабар келгач, ўзини тамоман йўқотди. Чўқур қайғу билан бирга унинг болалиқдаги касали ҳам кўзгади. Охир оқибатда буюк бастакор ҳаётдан кўз юмди.

Жорж Санднинг бошига ҳам лаънат тошлари ёғилди. Шопеннинг дўстлари ва шогирдлари «бастакорни сен ўлдирдинг», деб айтишгача бордилар. Жорж Санд улар билан баҳслашмади, бирон маротаба сан-манга бормади. Ўзининг бутун кечинмаларини, бастакор билан бўлган муносабатларини асарлари қаҳрамонлари тилидан сўзлатди. Ўзи бошидан кечирган воқеалар, ҳодисалар унинг асарларидан бирин-кетин жой ола бошлади. Чексиз қарама-қаршилиқларга, гуссаларга тўла ҳаётини асарларида яна қайта жонланттирди. Бир асарида у шундай хитоб қилган эди: «Биз ҳаётимиздан, агар у китоб бўлса, бир саҳифасини ҳам йиртиб ололмаймиз. Лекин, китобнинг ўзини оловга бемалол ташлаб юборамиз».

Жорж Санднинг ҳаёти ана шундай оловларда ёнди десак тўғри бўлар. Унинг ҳар бир асари – оддий ҳикоядан тортиб, кўп томлиқ романларигача – муҳаббат туйғулари, эҳтирослари, қийноқлари билан тўлиб тошган.

Францияда, Испанияда, Польшада бу аёлнинг номи ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинади. Шопен ҳақида гап кетганида албатта, Аврора Дюдеван – Жорж Санд ҳақида ҳам сўз боради.

Йиллар ўтгани сари Жорж Санднинг номи тобора кўпроқ эсланмоқда. Унинг ўн жилдан иборат романлари бир неча бор қайта чоп этилди.

Зеро, меҳру-муҳаббатга ташна бу олам Жорж Санддек фидойи, эҳтиросларга тўлиқ муҳаббат соҳибасини қўмсаса, не ажаб.

Темир йўлдошев.

8 - саҳифа меҳмони

Шўх мусиқа садолари остида хушрўй хонанда ним табассум билан қўшиғини бошлади: «Келин салом, келин салом, қайнотасига салом; оқ рўмоли бошидо, фаришталар қошида, қайнонасига салом». Сал ўтмаёқ қуда-андалару меҳмон-янгалар шўх оҳангларга жўр бўлиб кетишди. «Қаранг, эгачи, — деди нуроний бир онахон, — ўлмас қўшиқда келин салом, Келинлигимда айтишувди, эшитувдим, бутун тинглаб туриб юрагим жизиллаб кетди. Овози ҳам ширин экан қурмагурни. Ўзига бирам ярашадими».

Ўзбек Миллий академик драма театрига Хосият Хусановони йўқлаб борганимда, шу гап-сўзлар хаёлимдан ўтди.

— Хосиятхон, драма театрида ишлашингиз баробарида қўшиқларни бунчалар ихлос билан ижро этишингиздан рости ҳайратга тушдим.

— Актриса мен фалон йўналишдаги санъаткорман деб ўтириши сира ҳам ярашмайдиган одат. Ҳозир ҳар қандай ролни ижро эта оладиган, қўшиқни ҳам, рақсни ҳам, имкони бўлса, режиссёрликни ҳам баробар уддалайдиган санъаткор сув ва ҳаводек зарур. Бу менинг шахсий фикрим, албатта.

— Театрдаги ишларингизга қўшиқчилигингиз ҳалал бермаяптими?

— Театрим мен учун муқаддас. Ҳамиша шу театрда ишлашни орзу қилардим. Шунинг учун ҳам, бу даргоҳдаги фаолиятим доим биринчи ўринда туради.

— Бу ерга санъат олийгоҳини тугатиб келганимиз?

— Аввал олийгоҳга киришдан бошлайлик гапни. Мен ўсиб улғайган хонадонда, гарчи санъаткорлар бўлмаса ҳам, лекин у жуда қадрларди. Болалигимда биров патнисини ҳам чала олмасди. Рақсга тушиб кетавардим. Қўшиқ айтишга-ку, жуда тилим келишиб қолган эди. Дадамлар «сен, албатта, актриса бўласан», деб эркалардилар. Ўрта мактабни тугатгач, санъат олийгоҳига бормоқчи бўлдим. Қарасам, рақс қолиб кетяпти. Хореография билим юртига борсам, буёқда қўшиқдан ажраладиганга ўхшайман. Дадамларга маслаҳат қилувдим, сен актриса бўласан, дедилар. Шу тариқа санъат олийгоҳининг драма, кино ва кўғирчоқ театри факультетига кирганим. Вадим Иогельцин, Шермат Хайитбоевлардан саҳна сирларини, маҳорат сабоқларини олганман.

— Сўнгра театр сақнасига қадам қўйгансиз...

— Ҳа, дастлаб Охунбобоев номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрида ишладим. Сўнгра Абдор Хидоятов номи драма театрида ҳам ўзимни синаб кўрдим. Бу ерга 1995 йилда келганман.

— Андижонда мухлисларингизнинг ёдида тиниб-тинчимас қиз сифатида қолган экансиз...

— Эшитган экансиз-да. У ерда ҳамма ерда фамилиям бўларди: дра-

матик асарлар репетицияси, хор қатнашчилари, балет труппаси аъзолари рўйхатида албатта, номим зикр этиларди. Гоҳида ҳаммаси бир пайтга тўғри келиб қоларди. Шундай пайтларда бош режиссёримизга ўзи қайси штатда ишлайман, деб хархаша қилардим. Шунда, ҳамма жойда зарурлигиндан хурсанд бўлсанг-чи, дейишарди.

— Ёш бўлсангиз ҳам, уч театрда ишлабсиз. Айтингчи, уччала театрнинг бир-биридан фарқи борми?

— Бор, албатта. Ҳозир ишлаётган театримиз ўзининг шонли анъаналарига эга. Бу ерда саҳна санъатининг — ўзбек театрининг улкан мактаби яратилган. Яна ижод қилиш учун ҳамма шароитлар муҳайё. Айниқса, театр биноси тубдан қайта таъмир этилгани, унга миллий театр мақоми берилгандан кейин бу имкониятлар бир неча баробар ошди. Раҳбарларимиз ҳам доим «агар ўзингизни режиссурада ёки бошқа соҳада синаб кўрмоқчи бўлсанглар, марҳамат, кичик саҳна билан томоша зали хизматингизда, изланинглар, яратинглар, бундан фақат фойда кўрамин», деб таъкидлашади.

— Шу гапларингизнинг исботини айта оласизми?

— Театр биноси таъмирланаётганда Саида Раметова, Раъно Ярашева, Зухра Ашурова, Нодира Махмудова — ҳаммамиз етти киши эдик, томоша кўймоқчи бўлдик. «Туркистон» саройининг ҳатто чордоғида ҳам репетиция қилдик, десак ишонаверинг. Шу тариқа «Онанг ўргилсин, болам» мусиқий томошамиз дунёга келди. Намойиш этганимиздан кейин ҳамма жуда қувонди. Барчага бирдек манзур бўлди.

— Саҳнада илк бор ижро этган ролларингизни эслай оласизми?

— «Тоҳир ва Зухра»да канизак, «Бобур»да Ойшасултонбегим, «Афандининг беш хотини»даги Таманнони ўйнаганман. «Хотинлар «гап»идан чиққан хангома»да Бону, «Шайтон ва фаришталар»да Шайтонча, «Чимилдик»да келинчақ, ишқилиб, бекор туриш йўқ.

— Назарингизда «Чимилдик»даги кўёв қариб қолмаяптими?

— Ҳа, ўзи келиндан ўн етти ёш катта бўлади-да. Жуда мос бир-бирига қаҳрамонлар.



— Кўёвни Равшан Жўраев, Абдураим Абдуваҳобовлар галмагалдан ижро этишади. Қайси бири билан чиқишасиз?

— Иккови билан ҳам. Иккови икки олам.

— Сиз мусиқий гуруҳ тузган экансиз? Хонанда сифатида ҳам тилга тушиб қолибсиз. Айтинг-чи, қанақа қўшиқ айтишни хуш кўрасиз?

— Халқ қўшиқларини жуда ёқтираман. Ёр-ёр, алла, келин салом, лапарлар айтган ҳам, тинглаган ҳам бекиёс илҳомланади.

— Уларнинг матнини ким ёзиб беради?

— Вой, бу халқимизнинг азалий қадриятлари-ку. Водийда келин-кўёв хонадонга кириб борганида, келин салом қилдиришди. Кайвони гўёнда онахонлар шундай сўзларни топишадики, асти қўяверасиз. Яллаю лапарлар, аллалар юракни орзиқтириб юборишини таъкидлашим керакми? Уларда халқимизнинг энг эзгу орзу-умидлари мужассам бўлган. Бу орзуларни қуйлаш қанчалар мароқли.

— Улар бир-биридан фарқ қилса керак? Масалан, водийники Сурхондарё лапарларидан ёки тошкентча келин салом Бухороникдан...

— Озгина бўлса ҳам бор. Лекин, ҳаммасининг мағзи битта. Яхшилик, меҳр-муҳаббат, бахтли ҳаёт, мурувват.

— Хосиятхон, сиз театр акт-

рисасиз. Битта саволим бор: бундан ўн-ўн беш йил илгари академик театрининг довуғи баланд эди. Ўша пайтларда буюк актёрларимиз ҳаёт эдилар. Бугун улар орамизда йўқ. Театрни яна юксакликка олиб чиқадиган актёрлар, ижодий кучлар борми?

— Буюк санъаткорларимиз гарчанд жисман орамизда йўқ бўлса ҳам руҳлари тирик, бизга мададкор. Кейин улар яратиб кетган ўлмас мактаб бор. Шу мактабнинг сабоғини олганмиз. Ҳа, театримизни иззат-эҳтиром пиллапоясининг энг юқорисига олиб чиқадиган муносиб ижодий кучлар бор. Айни пайтда бизнинг шу йўлдаги саъй-ҳаракатларимиз Ватанимизнинг, шахсан Президентимизнинг ғамхўрлигига жавобимиз ҳам бўлади.

— Ўзингиз қайси санъаткорга эргашасиз, ундан ўрганасиз?

— Мен Сора Эшонтураева яратган образларга ҳамиша ҳавас қилиб келаман. Ўша кишидек яшаб ижод этсам қани эди.

— Ниятларингизга етинг, Хосиятхон. Саҳнадаги дийдорлашувларимиз ҳар сафар кўнгилли бўлсин, деб хайрлашамиз.

— Мухлисларимизнинг ишончи — бизнинг ижодимизга қанот бўлади. Шу қанотнинг қайрилмаслигига интиламиз.

Суҳбатдош Темур
УБАЙДУЛЛО.

Bolalik bog'i

BUNI
QARANG

—Kechga qolding
Darsdan nesa?

Deb so'rasam,
Javrab Egam:

—Soatimiz
Charchab-tolib,

Uyg'otmabdi
Uxlab qolib.

Asom ZIYOMAT.



Бекожон

НИТРАТЛАР
ҚАЕРДА ЯШАЙДИ

• Ҳар бир сабзавот турида нитратларнинг «хосхона»лари бор экан. Карамда устки қаватларда, сабзининг — қоқ ўртасида. Йўғон илдизли сабзавотларда у жуда кўплаб учраб экан. Патисон ва булғор қалампирини дум томонини кесиб ташлаганингиз маъқул. Худди шундай бодринг ва редискаларда ҳам думини каттароқ қилиб олинг. Лавлагининг эса, ҳам дум томонини, ҳам уч томонининг баҳридан ўтинг. Помидорнинг имкон қадар пўчоғини олиб ташлашга ҳаракат қилинг. Бу зарarli модда қовун ва тарвузларнинг пўчоғига тўпланади. Нитратлардан сабзавотларни узоқ вақт қайнатиб ёки қовурибгина қутулиш мумкин.

Матлуба МАХМУДХУҲАЕВА
тайёрлади.



Об-ҳаво ни кузатиш бош бош-қармасидан хабар қилишлари, 29 сентябрь — 3 октябрнинг дастлабки кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик қутилмайди. Шу даврнинг иккинчи ярмига бориб, айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор.

Ҳарорат кечалари 11-16, кундуз кунлари 28-33 даража атрофида иссиқ бўлиши қутилади.

Шайхонтоҳур туманидаги «Саидали-Аудит» масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар Эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 45-19-45 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

УЧТАСИ БАҲСНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

2001-2002 йилги Ўзбекистон кубоги учун 1/16 финал баҳслари бўлиб ўтди. Биллур соврин учун дастлабки босқичда вилоятимиздан беш жамоа иштирок этди.

Мамлакат чемпиони «Дўстлик» жамоаси сафарда «Шўртон» билан баҳс юритди. Учрашувда чемпионнинг қўли баланд келди. 37-дақиқада Азамат Абдураимов ҳисобни очди. Шу биргина тўп «Дўстлик»ка ғалаба келтирди.

«Хангардон-С» жамоаси «Косонсой» меҳмони бўлиб, 2:1 ҳисобида ғолиб келди ва кейинги босқичга йўлланма олди. Бекободнинг «Металлург» жамоаси ҳам сафарда «Ситора» билан учрашиб, худди шундай ҳисобда майдон эгаларини мағлуб этди. Вилоятимизнинг уч жамоаси муваффақиятли баҳс юритган бўлса, «Семург» билан «Кимёгар» тажрибали рақибларига яхши қаршилиқ кўрсата олмадилар. «Кимё-

гар» Фарғонада «Нефтчи» меҳмони бўлиб, 1:6 йирик ҳисобда мағлубиятга учради.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» — «Семург» — 3:1, «Қизилқум» — «Самарқанд» — 2:0, «Қува» — «Трактор» — 2:3, «Шахрихон» — «Навбахор» — 1:0, «Андижон» — «Турон» 4:2, «Цементчи» — «Сўғдиёна» — 4:2, «Хоразм» — «Олтин тола» учрашуви эса ўтказилмади ва меҳмонларга ўйинга келмаганликлари учун техник мағлубият ёзилди.

«Гулистон» — «Академия», «НБУ Азия» — «Темирийўли» учрашувларида ҳам бир хил 0:2 ҳисоби қайд этилди. «Шўрчи» ўз майдонида «Зарафшон»га 4:0 ҳисобида ютказиб қўйди.

Кубок баҳсларининг навбатдаги мусобақалари 3 ва 17 ноябрда ўтказилади.

Талъат ЮСУПОВ.

«СОЛИҚЧИ» — ВИЛОЯТ ЧЕМПИОНИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг иккинчи табақаси мақомига эга бўлган вилоят биринчилиги якуний жадвалидан ҳулоса чиқариб айтиш лозимки, вилоят чемпиони унвони учун асосан учта жамоа жиддий кураш олиб борди.

Яна уч жамоа бутун мавсум давомида ўртамеъна ўйин кўрсатган бўлса, улардан кейинги ўринларни эгаллаган жамоалар ҳам мухлисларини ҳушнуд этолмади. Пскент туманининг «Истиклол» жамоаси ҳақида эса, бирор жиддий гап айтиш қийин. Зотан, ўн саккизта учрашувдан ўн еттитакини бой берган жамоа ҳақида нима ҳам дейиш мумкин...

Вилоят чемпиони — Тошкент туманининг «Солиқчи» жамоа-

си республика чемпионатининг биринчи табақасига йўлланма олиш учун ўтиш турнирида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Энди республика бўйича 16та ана шундай жамоалар тўрт гуруҳга бўлиниб, ўзаро куч синашадилар. Гуруҳларнинг ғолиблари иккита йўлланма учун баҳс олиб борадилар.

Самад Йўлдош.

Вилоят чемпионатининг якуний жадвали

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
«Солиқчи»	18	15	2	1	48-10	47
«Акмал»	18	14	2	2	62-21	44
«Қибрай»	18	12	1	5	43-18	37
«Тошкент»	18	8	4	6	36-28	28
«Олмалик»	18	8	2	8	40-41	26
«Шоликор»	18	8	1	9	32-37	25
«Чиноз»	18	5	1	12	25-48	16
«Тўйтепа»	18	5	1	12	29-49	16
«Цементчи»	18	5	0	13	38-41	15
«Истиклол»	18	1	0	17	19-79	3

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШМЕНТСОЯ ПРАВА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Ҳатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририят компьютер
марказида тарғиб ва
саҳифаланган.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.